

Трансформациялашув Давридаги Жиноятларнинг Ўзига Хос Хусусиятлари: Қонунчилик Ва Уни Такмиллаштириш Масалалари

Характеристика Преступлений В Трансформационный Период: Вопросы Законодательства И Его Совершенствования

Characteristics Of Crimes In The Transformation Period: Issues Of Legislation And Its Improvement

Иззатулло ТОЛИБОВ, юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси “Жиноят ҳукуқи” кафедраси ўқитувчиси

Иззатулло ТОЛИБОВ, доктор юридических наук, преподаватель кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан

Иззатулло ТОЛИБОВ, doctor of Law, Lecturer in the Department of Criminal Law of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan


Аннотация: мақолада тобора мураккаблашиб бораётган глобаллашув ва трансформациялашув жараёнида рақамли технологиялар орқали содир этилаётган жиноятлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хусусан кибержиноятчиликка қарши курашишнинг ҳукукий асослари ҳамда уни такомиллаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Аннотации: в статье анализируются преступления, совершаемые с использованием цифровых технологий, и их специфические особенности в условиях усложняющейся глобализации и трансформации, в частности правовая основа противодействия киберпреступности и вопросы ее совершенствования.

Annotations: the article analyzes crimes committed using digital technologies and their specific features in the context of increasingly complex globalization and transformation, in particular the legal basis for combating cybercrime and issues of its improvement.

Калит сўзлар: кибермакон, киберхавфсизлик, кибержиноятчилик, рақамли технологиялар, телекоммуникация тармоқлари, рақамли молиявий саводхонлик, ахборотни эгаллаш, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатлари.

Ключевые слова: киберпространство, кибербезопасность, киберпреступность, цифровые технологии, телекоммуникационные сети, цифровая финансовая грамотность, получение информации, индивидуальные, общественные и государственные интересы в киберпространстве.



Key words: cyberspace, cybersecurity, cybercrime, digital technologies, telecommunication networks, digital financial literacy, obtaining information, individual, public and state interests in cyberspace.

XXI асрдаги ақл бовар қилмас даражадаги шиддатли тараққиёт, ахборот ва коммуникация технологияларининг бемисл ривожланиши инсоният ҳаётига жуда кўплаб имкониятларни олиб кириши баробарида, бир қатор жиддий муаммоларни ҳам вужудга келтирганини инкор этиб бўлмайди.

“Бугун дунёда кескин кураш ва рақобат ҳукм сурмоқда, манфаатлар тўқнашуви кучаймоқда. Глобаллашув жараёнлари инсоният учун бекиёс янги имкониятлар билан бирга қўтилмаган муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Терроризм, экстремизм, трансмиллий ва кибер-жиноятчилик, одам савдоси, наркотрафик каби таҳдидлар хавфи ошиб бормоқда”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ҳақли равишда юқорида таъкидланганидек, глобал ахборот майдонидаги янги таҳдид — кибержиноятчилик кун сайин ўта хавфли тус олмоқда.

Таҳлилий маълумотларга кўра, “дунё бўйлаб ҳар йили 500 миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибер маконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади. Америка Қўшма Штатлари, Франция, Англия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи кибер ҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган”².

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 20 декабрда ИТ соҳасида киберхавфсизни таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикасидаги кибержиноятларнинг 70 фоизи банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик ва ўғирлик жиноятлари ҳисобланади. Республикамизда содир этилаётган умумий жиноятларнинг қарийб 30 фоизини кибермаконда содир этилаётган жиноятлар ташкил этмоқда.

Прокуратура органларининг статистик маълумотларига кўра, “2020-2022 йилларда бундай жиноятлар қарийб 25 баробар ошган бўлиб, ҳозирги кунда фуқароларнинг катта миқдордаги пуллари онлайн тарзда ўғирланмоқда”³. Ушбу статистикадан хулоса чиқариш мумкинки, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўғирлик ёки фирибгарлик ҳолатларининг кўпайишига асосий сабаб:

биринчидан, фуқароларнинг рақамли молиявий билим ва саводхонлиги етарли эмаслиги;


иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутахассисларининг малакаси ва тажрибаси бугунги кун талабларига тўлақонли жавоб бермаслиги;

учинчидан, тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларида бу каби жиноятларнинг олдини олишнинг замонавий тизимлари мавжуд эмаслигидан далолат бермоқда.

¹Ш.Мирзиёев., “Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”., <https://president.uz/uz/lists/view/4089>.

²“Кибер маконда содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш: муаммолар ва ечимлар”., <https://akadmvd.uz/uz/news/>.

³<https://www.xabar.uz/huquq/> Бош прокурор мамлакатимиз аҳолисиغا мурожаат билан чиқди (Электрон манбага мурожаат қилинган вақт: 21.04.2024).



Ачинарлиси, бугунги кунда “кибермаконда содир этиладиган жиноятларнинг 48,5 фоизи фош этилмасдан қолмоқда. Бунинг асосий сабаби, жиноятни фош этиш билан боғлиқ излов тадбирлари етарли ташкил этилмаяпти. Идоравий назорат тўғри ташкил этилмаслиги боис, оғир ва ўта оғир турдаги фош этилмаган жиноятлар бўйича махсус иш йиғма жилдлари белгиланган талаблар асосида юритилмасдан, жиноятларни фош этиш чоралари қўрилмасдан келинмоқда”⁴.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022 йил 15 апрелда “Киберхавфсиз тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилиниб, унда қуйидаги муҳим тушунчаларга ҳуқуқий таъриф берилди:

“кибержиноятчилик — ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси;

кибертахдид — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи;

киберхавфсизлик — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати;

киберхавфсизлик ҳодисаси — кибермаконда ахборот тизимларининг ишлашида узилишларга ва (ёки) улардаги ахборотнинг очиклиги, яхлитлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келган ҳодиса;

киберҳимоя — киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберҳужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберҳужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончилигини тиклашга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, молиявий-иқтисодий, муҳандислик-техник чора-тадбирлар, шунингдек маълумотларни криптографик ва техник жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи;


киберҳужум — кибермаконда аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат”⁵.

Аҳамиятлиси шундаки, мазкур қонунда олдин миллий қонунчиликда ўз аксини топмаган бир қанча муҳим стратегик ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг, ахборот тизимлари ҳамда тармоқлар ва технологик жараёнлар ресурсларининг мажмуи ҳақида юридик қоидалар назарда тутилган.

Кун сайин чуқурлашиб бораётган глобаллашув ва трансформациялашув жараёнида давлат бошқаруви ва давлат хизматлари кўрсатиш, муҳофаа, давлат хавфсизлигини, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ёқилғи-энергетика мажмуи (атом энергетикаси), кимё, нефть-кимё тармоқлари, металлургия, сувдан фойдаланиш ва сув таъминоти, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хизматлар кўрсатиш, банк-молия тизими, транспорт, ахборот-коммуникация технологиялари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, стратегик аҳамиятига эга бўлган фойдали

⁴Тошкент шаҳар прокуратурасининг 2023 йил 20 ноябрдаги 16/к-23-сонли “Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида”ги тақдимномаси.

⁵“Киберхавфсиз тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни., <https://lex.uz/ru/docs/6681111>.



қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида, ишлаб чиқариш каби ўта муҳим соҳаларда қўлланиладиган ахборотлаштириш тизимлари ҳуқуқ нуктаи назаридан **муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари сифатида эътироф этилади.**

Юқорида келтириб ўтилган янги ҳуқуқий тушунчаларнинг ишлаб чиқилиши ва миллий қонунчиликка киритилиши;

биринчидан тобора мураккаблашиб бораётган кибермаконда инсон, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини оширишга хизмат қилади;

иккинчидан, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш давлатнинг киберхавфсизлигини таъминлашдаги устувор йўналишларини белгилаб беради;

учинчидан, кибержиноятчилик, кибертаҳдид, киберхавфсизлик ҳодисаларининг олдини олишга, киберхужумларни аниқлашга ва улардан ҳимоя қилишга, киберхужумларнинг оқибатларини бартараф этишга, телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари ҳамда ресурслари фаолиятининг барқарорлигини ва ишончлилигини тиклашга ҳуқуқий асос бўлади;

тўртинчидан, кибержиноятчилик билан боғлиқ низоларни суд тартибида кўриб чиқишда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган ягона суд амалиётининг шаклланишида муҳим омил бўлади;

бешинчидан, киберхавфсизлик соҳасини тартибга солишга нисбатан асосий ёндашув, яъни маълумотларга ишлов бериш, уларни ҳимоя қилиш бўйича турли дастурий ва техник воситаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, унинг мониторингини ва назоратини самарали йўлга қўйиш механизмларини яратишга амалий таъсир кўрсатади;


олтинчидан, пировард натижада шу соҳадаги қонунчилик талабларини аниқ бажаришдан ва уларга риоя этишдан ҳар қандай тарзда четга чиқиш, бунинг сабаблари, шарт-шароитлари қандай бўлишидан қатъи назар, қонунийлик бузилишининг олдини олади.

Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гап кетганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 30 ноябрда имзоланган “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-381-сонли қарорини алоҳида келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ушбу қарор билан Ўзбекистон амалиётида илк бор банк тизими орқали содир этилаётган “ўғрилиқ, фирибгарлик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга ўз вақтида чек қўйиш мақсадида Марказий банкка тижорат банклари, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларига банк карталари билан боғлиқ шубҳали (фрод) операциялар содир этилган тақдирда, банк карталари, банк ҳисобварақлари ва мобил иловалардаги ҳисобварақлардан фойдаланишни уч кунгача муддатга вақтинча чеклаш тўғрисида мажбурий кўрсатмалар бериш ваколати берилди”⁶.

Мазкур қарорга мувофиқ, Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига рақамли технологиялар воситасида жиноят содир этилган жой ва усулини

⁶Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида”ги қарори., <https://lex.uz/ru/docs/6681111>.



аниқлашнинг жиноий ва жиноят-процессуал асосларини, электрон (рақамли) далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертиза қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, “Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг⁷ 7-бандида:

- терговчига абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни мустақил олиш ваколатини бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини тергов ҳаракати сифатида абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олишни назарда тутувчи норма билан тўлдириш;

- электрон далилларни расмийлаштириш тартибини такомиллаштириш нуқтаи назаридан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда “Электрон (рақамли) далил” тушунчаси, уларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертизадан ўтказиш, баҳолаш, қайд этиш, сақлаш тартиблари ва бу жараёнда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш;

- ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бўйича кибермаконни ҳолислар иштирокисиз, мажбурий видеоёзув ёрдамида кўздан кечириш, тинтув ўтказиш тартибини белгилаш;

- ахборот ресурсларида рақамли изларни сақлашда сақланаётган маълумотларга аниқ талабларни (маълумот турларини) белгилаш каби вазифаларни бажариш назарда тутилди.

Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 382-моддаси учинчи қисмининг ўн бешинчи хатбошисига терговчига “абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар ҳақида ахборот олишга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш”⁸ билан боғлиқ ваколат берилди.


Бутун дунёда, шу билан биргаликда мамлакатимизда ҳам янгича замонавий, ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган фирибгарлик жиноятлари сонининг ўсиб бориш динамикаси ортмоқда. Айниқса, банк карталари, турли хил молиявий “пирамидалар” ва бошқа янгича шаклдаги фирибгарлик жиноятлари унинг умумий жиноятчиликдаги салмоғи ошиши тенденциялари кузатилмоқда.

Амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- ахборот ва коммуникациялар технологиялари орқали содир этилаётган жиноий ишларни суд тартибида кўриб чиқиб, адолатли ва қонуний суд қарорларини чиқариш салоҳиятига эга судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида алоҳида ихтисослашган кафедра ташкил этиш лозим, деб ҳисоблаймиз;

⁷“Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича “ЙЎЛ ХАРИТАСИ””, <https://lex.uz/docs/6681111>.

⁸Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январдаги ЎРҚ-1022-сонли [Конуни.](https://lex.uz/acts/111460), Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2025 й., 03/25/1022/0083-сон. <https://lex.uz/acts/111460>.



- аҳолининг, айниқса, ёши улуг инсонларнинг рақамли технологиялар соҳасидаги молиявий операциялар борасидаги саводхонлик даражасини оширишнинг замонавий, содда ва таъсирли механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим;

- рақамли технологиялар орқали фирибгарлик жиноятларини содир этишда айбдор деб топилган шахслар ва уларнинг жиноий қилмишлари тўғрисидаги маълумотлар жойлаштирилиб бориладиган ва унга ҳамма кириши мумкин бўлган махсус реестри юритилиши лозим;

- Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси, Жамоат хавфсизлиги университетлари профессор-ўқитувчилари томонидан рақамли технологиялар орқали содир этиладиган жиноятлар олдини олишнинг ташкилий-техник ечимлари соҳадаги илғор хорижий тажрибани инobatга олиб, миллий қонунчилик ва амалиёт таҳлилини чуқур ўрганган ҳолда ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнларига самарали жорий этиш мақсадга мувофиқ;

- миллий қонунчилик ҳужжатларига рақамли технологиялар орқали жиноят содир этилган жой ва унинг содир этилиш усулини аниқлашнинг жиноий ва жиноят-процессуал асосларини, электрон (рақамли) далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертиза қилиш, ҳисобга олиш ва сақлаш тартибини такомиллаштиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.